**25-сон - ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ**

**Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида**

**ШАРТНОМАСИ**

*Андижон шахар* *2022йил “ 19 “ май*

Кейинги ўринларда “**Буюртмачи”** деб юритиладиган Бўстон туман “Ободонлаштириш бошқармаси” номидан Низом асосида иш кўрувчи рахбари **Ҳ.Нурматов** бир томондан ва кейинги ўринларда “**Бажарувчи”** деб юритиладиган “ЙЎЛ ЛОЙИХА СЕРВИС” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи Х.Омирзақов иккинчи томондан **Бўстон туман “** Мустақиллик 15 йиллиги **” МФЙ кўчаларини тунги ёритиш чироқлар тармоғини жорий таъмирлаш ишлари учун лойиха смета тайёрлаш ишлари учун** мазкур шартномасини туздилар.

**I. Шартнома предмети**

1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига **Бўстон туман “** Мустақиллик 15 йиллиги **” МФЙ кўчаларини тунги ёритиш чироқлар тармоғини жорий таъмирлаш** ишларига лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаб ижобий экспертиза хулосаси олиб бериш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Бажарувчига ишларини бажариш учун зарур нуқсон далолатномасини тақдим этади, ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.**

2. Мазкур шартнома бўйича Бажарувчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил “18” майдаги «81789» электрон баённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда (ККС сиз) 6 800 000 ( Олти миллион саккиз юз минг) сўмни ташкил этади.

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Иш хажми қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

**III. Бажарувчи ва Буюртмачининг мажбуриятлари**

5. Агар ишнинг бажарилиши давомида салбий натижага эришилиши аниқланган тақдирда барча ишларни тўхтатиб, холат тўғрисида уч кунлик муддат ичида Буюртмачини хабардор қилиш;

6. Буюртмачидан махфий маълумотлар олган тақдирда Бажарувчи томонидан ушбу маълумотларни маълум қилмаслик ва Буюртмачининг руҳсатисиз учинчи шахсларга бермаслик;

7. «Бажарувчи» ишни сифатли бажариши, хужжатларни барча илмий техникавий ва иқтисодий талабларга ва меъёрларга, Ўзбекистон Республикаси ўрнатилган барча қонунларга риоя этилган ҳолда бажаришга;

8. Бажарувчи томонидан Буюртмачининг барча кўрсатмаларини бажариш ва бажарилаётган ишлар тўғрисида талаб қилинган вақтда ахборот бериш туриш;

9. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини экспертиза органларида химоя қилишда иштирок этиш.

10. Буюртмачи ишлар бажарилиши устидан доимий назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

11. Шартнома талабларига кўра аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш.

**IV. Ишларни бажариш муддати**

12. Бажарувчи мазкур шартномага мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади. Ишларнинг бошланиши 2022 йил 19 май, тугатилиши 2021 йил 31 декабр Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь.

13. Танлов натижаси бўйича аниқланган ишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **15** ни ташкил этади.

**V. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорида, аванс ўтказади, бу 2 040 000 ( Икки миллион қирқ минг ) сўмни ташкил этади.

15. Бажарилган ишлар учун шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб ишлар тугаллангандан кейин ва ишлар белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин тўлиқ хажмда амалга оширилади:

16. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Бажарувчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

**VI. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

17. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

18. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Бажарувчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

19. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

**VII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

20. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

21. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0.4 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 % дан ошмаслиги лозим.

22. Бажарувчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.5 % миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 % дан ошмаслиги лозим.

25. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

**VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби**

26. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чикилади.

**IIX. Алоҳида шартлар**

27. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

28. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса хакикий хисобланади.

29. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.

30. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

31. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 **нусхада** тузилади.

**XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари**

**Буюртмачи:**

Бўстон туманОбодонлаштириш бошқармаси
Пиллакор МФЙ Нихол кўчаси 4-уй
Ш/Х 401700320970642001100002
ИНН : 200 911 253
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Банк:МБ ББ ХККМ Тошкент
Х/Р 23402000300100001010
МФО: 00014
ИНН : 201122919
Индекс: 170400

**Раҳбар:** __________ **Х.Нурматов**

__________ М.У. (имзо)

**Бажарувчи:**

"ЙЎЛ ЛОЙИХА СЕРВИС" МЧЖ
Андижон шахар Фитрат кўчаси 4А-уй
Банк:Профстройбанк Бунёдкор бўлими
Х/Р: 20 20 80 00 10 54 74 12 40 01
МФО:00076
ИНН: 309 163 202
Индекс:170100

**Рахбар:** __________ **Х.Омирзақов**

__________ М.У. (имзо)

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: MQ4803063853

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ GX16204647

Loyihaning turi

**Shartnoma**

1. Loyihaning nomi
   **Haq evaziga xizmat ko’rsatish**

2. Loyihaning mazmuni
   Bajaruvchi mazkur shartnoma shartlariga Bo'ston tuman “ Mustaqillik 15 yilligi ” MFY ko'chalarini tungi yoritish chiroqlar tarmog'ini ta'mirlash ishlariga loyiha-smeta xujjatlarini tayyorlab ijobiy ekspertiza xulosasi olib berish ishlarini bajarish majburiyatini oladi, Buyurtmachi esa Bajaruvchiga ishlarini bajarish uchun zarur nuqson dalolatnomasini taqdim etadi, ishlarni qabul qilish va to'lovni amalga oshirish majburiyatini oladi.

**Bo‘ston tuman obodonlashtirish boshqarmasi**

**2022 yil «19» may**

Loyiha amaldagi normativ huquqiy hujjatlarga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**2022 yil «19» may**

**Bo‘ston tumani Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi bosh yuristkonsulti:** **Sh.O’rmonov**

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 81789 на приобретение "Обод қишлоқ" дастури доирасида "Мустақиллик 15 йиллиги" МФЙ кўчаларини тунгги ёритиш чироқлар тармоғини таъмирлаш ишлари учун лойиха смета тайёрлаш

Способ проведения электронный

Дата 18.05.2022

Время рассмотрения 17.05.2022 15:41

Конкурсная комиссия Буз туман ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | NURMATOV XAMIDJON XAMDAMOVICH | Boshliq | Obodon |
| **Секретарь комиссии** | XOLDAROV DAVRON XAYDARALIYEVICH | Bosh muxandis | Obodon |
| **Член комиссии** | MANSUROV AZIZBEK DILMUROD O‘G‘LI | Infratuzilma rahbari | Obodon |
| **Член комиссии** | EGAMBERDIYEV MIRZOXID MO‘SAJONOVICH | Dispetcher | Obodon |
| **Член комиссии** | G‘ULOMOV ISLOMBEK ILXOMJON O‘G‘LI | Tex muxandis | Obodon |
| **Член комиссии** | YUSUPOV MUZAFAR ERKINOVICH | Obodonlashtirishni saqlash bo'limi boshligi | Obodon |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 18.05.2022 года № лота 81789.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги в области архитектуры, связанные с проектами строительства нежилых зданий и сооружений** |
|---|---|
| Подробное описание | Услуги в области архитектуры, связанные с проектами строительства нежилых зданий и сооружений (71.11.22.000-00001) |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 7 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 7 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Банк ва соликдан карзи йуклиги тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Солик ва бошқа мажбурий тўловлардан карзи йуклиги тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **YO`L LOYIXA** | 25 | Bank soliq | 20 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| SERVICE MCHJ | | | | | | |
| "ANDIJON AYBIL" Хусусий корхонаси | 25 | Текстовое значение | 18 | Экспертная | | |

Критерий №2 Иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотни охирги уч йил мобайнида бажарган ишлари хамда конкурс объектига ўхшаш объеклада бажарган ишлари тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| YO`L LOYIXA SERVICE MCHJ | 25 | 3-yill | 22 | Экспертная | | |
| "ANDIJON AYBIL" Хусусий корхонаси | 25 | Текстовое значение | 15 | Экспертная | | |

Критерий №3 Qurilish maydonini o'rganganligi to'g'risida ma'lumot

Тип: Текстовое значение

Описание: Qurilish maydonini o'rganganligi to'g'risida ma'lumot

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| YO`L LOYIXA SERVICE MCHJ | 25 | malumot | 23 | Экспертная | | |
| "ANDIJON AYBIL" Хусусий корхонаси | 25 | Текстовое значение | 16 | Экспертная | | |

Критерий №4 Молиявий холати

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонани охирги 3 йиллик баланс ва молиявий хисоботлари (Давлат солик инспекциясидан тасдикланган бўлиш керак).

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| YO`L LOYIXA SERVICE MCHJ | 25 | 3-shakl | 22 | Экспертная | | |
| "ANDIJON AYBIL" Хусусий корхонаси | 25 | Текстовое значение | 15 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **"ANDIJON AYBIL" Хусусий корхонаси** | 7 000 000.00 | 6 500 000.00 | 17.05.2022 09:38:19 | 20.00 |
| **YO`L LOYIXA SERVICE MCHJ** | 7 000 000.00 | 6 800 000.00 | 17.05.2022 08:26:59 | 19.12 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **"ANDIJON AYBIL" Хусусий корхонаси** | 51.2 | 20 | 71.2 |
| **YO`L LOYIXA SERVICE MCHJ** | 69.6 | 19.12 | 88.72 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 81789 от 18.05.2022 года на приобретение "Обод қишлоқ" дастури доирасида "Мустақиллик 15 йиллиги" МФЙ кўчаларини тунгги ёритиш чироқлар тармоғини таъмирлаш ишлари учун лойиха смета тайёрлаш определила победителем:

YO`L LOYIXA SERVICE MCHJ
309163202

и резервный исполнитель: "ANDIJON AYBIL" Хусусий корхонаси (300883437)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | MANSUROV AZIZBEK DILMUROD O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | EGAMBERDIYEV MIRZOXID MO‘SAJONOVICH | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | NURMATOV XAMIDJON XAMDAMOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП